

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Қодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Қазақов	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Ҳақимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Ғадоев, В.Каримов, Г.Ғадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиёв, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 8-32+8-16

“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДА ХОЖА-КЎНГУЛ ОБРАЗИ ВА УНИНГ ТАКОМИЛИ
ОБРАЗ ХОЖА-КЎНГУЛ В ДАСТАНЕ “ХАЙРАТ-УЛ-АБРОР” И ЕГО СОВЕРШЕНСТВО

THE IMAGE OF KHOJA-KONGUL IN DASTAN “KHAYRAT-UL-ABROR” AND ITS
PERFECTNESS

3.Мамадалиева¹¹3.Мамадалиева– Жиззах давлат педагогика институти, филология
фанлари номзоди, доцент.**Аннотация**

Мақолада Алишер Навоий ижодида муҳим ўрин тутган “Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги Хожа образи ва унинг келиб чиқиш генезиси ўрганилган. Жумладан, образнинг Ибн Синонинг “Тайр” қиссаси ва Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асарларидаги илдизлари, Низомий Ганжавийнинг “Маҳзан ул-асрор”, Хусрав Дехлавийнинг “Матлаъ ул-анвор” асарларидаги талқини, бу борада Навоийнинг ўзига хослиги мисоллар ёрдамида қиёслаб, ўрганилган.

Аннотация

В данной статье изучены генезис и происхождение образа Хожа в поэме “Хайрат-ул-аброр” из цикла “Хамса” Алишера Навои. В том числе изучены корни воссоздания данного образа в повести «Тайр» Авиценны и в произведении «Кимёи саодат» Имама Газзали, а также толкование произведений «Махзанул асрор» Гянцеви и «Матлаил анвор» Хусрава Дехлави, раскрывается мастерство Навои на примерах сопоставительного анализа.

Annotation

This article examines the genesis and origin of the image of Khoja in the poem “Hayratul abror” from the cycle “Hamsa” by Alisher Navoi. In particular, the roots of the reconstruction of this image in the story “Tayr” by Avicenna and in the work “Kimyoi saodat” by Imam Gazzoli have been studied, as well as the interpretation of the works “Mahzanul asror” by Ganzhavi and “Matlail anvor” by Khusraw Dehlavi, Navoi’s skill is revealed in the examples of comparative analysis.

Таянч сўз ва иборалар: Хожа, “Тайр” қиссаси, “Кимёи саодат”, “Маҳзан ул-асрор”, “Матлаъ ул-анвор”, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, сайр, саёҳат, хилват, мулк, малаклар олами.

Ключевые слова и выражения: Хожа, повесть «Тайр», произведение «Кимёи саодат», «Махзанул асрор», Низами Гянцеви, Хусрав Дехлави, прогулка, путешествие, имущество, уединение, мир ангелов.

Keywords and expressions: Khodja, story “Tayr”, composition “Kimyoi saodat”, “Mahzanul asror”, Nizomi Ganzhavi, Khusraw Dehlavi, stroll, travel, property, seclusion, the world of angels.

Хожа сўзи айнан сардор, бошлиқ. “Ҳайрат ул-аброр” достонида Навоий ташхис санъатидан фойдаланган ҳолда кўнгилни шундай атайди. Достонда йигирма бир бобдан иборат муқаддима бор. Ундаги уч боб – уч ҳайрат кўнгилнинг саёҳати тўғрисида бўлиб, бир қараганда достонга алоқаси камдай туюлган ўзига хос боблар ҳисобланади. Биз ушбу мақолада мана шу ўзига хосликнинг тарихига бир назар ташламоқчимиз.

Рухнинг сайру саёҳатга чиқиш мотиви пайғамбар меърожига нисбатан яратилганлиги ҳақида илмда бирмунча қарашлар бор. Бу мотивнинг адабиётга илк бор татбиқ этилиши ватандошимиз Абу Али ибн Сино ижоди билан боғлиқ. Унинг бош қаҳрамони Ҳайй ибн Яқзон муаллифга ўзи

билган нарсаларни ҳикоя қилиб беради. Бу ўринда биз муаллиф – ровийнинг кўнгил образи билан бирмунча ўхшашлигини кўраимиз. У мутлақ ақл – Ақли Аввал ёки Рухи Аввалдан баҳра олган ҳолда бутун оламга, шу билан бирга ўз вужудига ҳам саёҳат қилади ва қандайдир маънода ўзлигини англаб етади. Лекин бу саёҳат ҳам, бу ният ҳам рамзий тил билан баён этилган бўлиб, Ибн Сино ўз шогирдлари учун ёзган сирли услубда ифодалаган [2].

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асарида эса муаллиф ўқувчисини дил ва унинг олами билан таништирар экан, дилни жонли, онгли бир борлиқ, ўзига хос феномен тарзида таърифлайди: “Ва дилда мурод – ҳақиқати одамийдурким, ани гоҳ руҳ атарлар. Ва гоҳи нафс дерлар. Дил деб гўшт

порани айтмамизким, сийна, яъни кўкракнинг чап тарфига қўйилибдур. Анинг ҳеч қадри ва эътибори йўқдур. Ул гўшт пора ҳайвонотда ва ўликларда ҳам бордир. Ани зоҳир кўзи билан кўргали бўлур. Ҳар нимаки зоҳир кўзила кўринур, ушбу оламдиндурки, ани шаҳодат дерлар. Ва дилнинг ҳақиқати ушбу оламдин эмасдур ва бу оламда ғариб ва мусофирдур.

Дил бу олам кўҳна работидин охират дорул-нажотига қайтмоққа келибдур. Ул гўшт пора (юрак) подшоҳ Дилнинг маркаби (улови) ва ҳаётӣй воситадур. Ва ҳамма аъзои бадан дилнинг лашкаридур ва жумлаи баданнинг подшоҳи дил – Қалбдур” [5,32].

Низомий Ганжавийнинг “Маҳзан ул-асрор” достони Ҳаким Санойи асарига жавоб тарзида битилган бу йўналишдаги илк маснавий саналади. Анъанага содиқ қолган Низомий руҳнинг юқорилаш босқичларини тасвирлайди ва уларни “хилват”, деб атаиди. Асарда муаллиф анъанавий кириш бобларидан кейин “Тун тавсифи ва кўнгилни билиш баёнида” номли бобни киритади ва дилни излаганлигини сўзлайди:

*Беш ҳису туйғудин ўзунг тут йироқ,
Йўл сўра дилдан, у билур яхшироқ*
[3,79].

Бобда шоир Дилни излаб йўлга чиққани, бир муҳташам саройга етиб борганлиги, унда барча хизматкорлар қуршовида, бошига тож кийган ҳолда сарбаланд тахтда дил ўтирганлигини тасвирлайди:

*Ул ҳама парвонаю, дил шам эди,
Жумла парокандаю, дил жам эди* [3,79].

Дил шоирни юксак эҳтиром билан кутиб олади ва ўзини шу тарзда таништиради:

*Ганжману қиссаи Қорундамас,
Сен-ла эмасмен, яна сенсиз эмас*
[3,79].

Бу билан улуғ мутафаккир дилни айни пайтда инсон вужудида жойлашгани ва уни бошқара олиши, айни пайтда эса мустақил мавжудлик эканлигига ишора қилмоқда, бизнингча.

Достондаги “Кўнгул тарбиясида илк хилват” бобида шоир дилни Хўжа деб атаи бошлайди ва унинг раҳнамолигида ажойибот-ғаройиботларни кўрганлигини ҳикоя қилади:

*Хўжа олиб қўлга чироғин шу дам,
Тутди қўлим, бошлади сайри чаман*
[3,79].

Амир Хусрав Деҳлавий “Матлаъ ул-анвор” достонида Низомийга муносиб жавоб беради. У хилватлар сонини учтага етказди ва унинг “самаралари”ни олиб ташлайди.

Биринчи хилватда шоирнинг танаси ерда қолиб, руҳи осмону фалакка кўтарилганлиги ҳикоя қилинади. Унда шоир Дил билан учрашади. Бу хусусда профессор М.Муҳиддинов “Комил инсон – адабиёт идеали” китобида қуйидагича шарҳлайди: “у (ўзлигини англаб етмаган руҳ – изоҳ бизники З.М.) Дил ҳузурига бориб, у билан сирлашади. Дил унга дунёвий кишанлардан ўзни қутқозиш, бандалик ибодатига астойдил берилиб, шайтон бўйнини синдиришни маслаҳат беради”. Иккинчи хилват кундуз таърифи, табиат тасвири фониди ошиқнинг бундай ҳолатдан наво – ҳайрат туйгани ифодаланади. Учинчи хилватда шоир Хожа – пирнинг ҳузурига боради ва ўзидаги бу ҳолатлар сирини сўрайди. Хожа шоирга руҳий кўтарилиш сирини англатади ва бу ҳолатни рўё эмас, ҳақиқатда рўй берганини таъкидлайди [4,55].

Эътибор қаратадиган бўлсак, Амир Хусрав дил ва Хожани икки қаҳрамон тарзида тасвирлайди. Дилни инсон камолотида чорловчи илҳом, балки руҳий мадад манбаи санаб, унинг камолоти учун масъул шахс сифатида эса устоз бўлмиш Хожани танлайди.

Жомий “Тухфат ул-аҳрор” достонида бу анъанадан шаклан чекингандай туюлади. У кўнгил таърифидан кейин уч пирнинг суҳбатини келтиради. Биринчи суҳбат – илмул яқин, иккинчиси – айнул яқин, учинчиси эса – ҳаққул яқин тўғрисида бўлади. Суҳбатларни эшитган кўнгил камолотга эришиб бораверади. Бу ўринда у салафларининг фикрларини аниқлаштиради, устоз – пирларни камолот соҳиблари, кўнгилни эса уларнинг толиби сифатида акс эттиради.

“Ҳайрат ул-аброр”га эътибор қаратадиган бўлсак, Навоий анъана бағрида гўзал новаторлик намунаси кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Яъни, у бош қаҳрамон этиб дилни танлайди ва уни туркийча “кўнгил” номи билан атаиди.

*Гулшани жисминг аро гул ғунчаси,
Битса гумон этма кўнгул ғунчаси*
[1,55].

Сен уни жисмингдаги бир гўшт парчаси – юрак деб ўйламаки, бу юрак ҳаммада бор,

лекин Исо билан унинг эшшаги ёки дажжол билан наби тенг бўлмаганидек, кўнгил ҳаммада ҳам бўлавермайди, дейди.

Кўнгил таърифидоги бобдан сўнг дастлабки саёҳат малак оламига бўлади. Малак оламини Навоий гўзал табиат тасвирида ифодалайди. Қизиғи шундаки, бу оламдаги беҳад гўзаллик, ҳар бир гул, ҳар бир қуш қатъий тартиб асосида ҳаракатланар ва шу ҳаракат асносида Яратганга сано айтарди:

*Неча назар бўлса тамошо талаб,
Бульжаб узра кўрунуб бўльжаб.*

*Топмади сарриштани чун фикрати,
Ҳайрат уза қилди ғулу ҳайрати... [1, 59]*

Бу ҳолатни кўрган Хожа чексиз ҳайратга тушади. Табиат тасвири аксланган бу боб бизга Низомийнинг илк хилватини, Амир Хусравнинг иккинчи хилватини эслатади.

Иккинчи саёҳат малакут оламига бўлади. Бу оламини Навоий осмони фалак тасвирида ифодалайди. Хожа етти сайёра ва ўн икки бурждаги турғун юлдузларни кўради:

*Мунча ғаройибғаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.*

*Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳға шухуд англади [1, 67].*

Бунда ҳам ҳар бир мавжудот қатъий ҳаракату, сажда ва қиёмда эканлигини кўрган Хожанинг бир ҳайрати ўнга етади. Ҳайратдан беҳуд бўлади. Бу ҳайрат бизга Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” қиссасидаги тасвир ва Имом Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асаридаги “Оламнинг тузилиши баёнида” бобидаги таснифга жуда ўхшайди. Фақат бу ўринда, жисмларнинг қатъий тартиб асосидаги ҳаракати, сайёра ва юлдузлар манзараси Навоийнинг ўзига хос топилмаси бўлиб, бу, унинг Самарқанддаги Улуғбек мактабида олган аъло даражадаги физик ва астрологик билими таъсирида юзага келган, дейишимиз мумкин.

Хожанинг учинчи сафари тўрт жавоҳирнинг уйғунлашувидан яратилган бадан шахристонига бўлади. Иккита устун устига қурилган бу салтанат ҳам қаттиқ тартиб асосида ҳаракатланарди. Унинг подшоси, вазири, сарбозлари, навкарлари бор эди:

*Шоҳ ани ўз мулкида дастур этиб,
Мулкини ул адл ила маъмур этиб,*

*Юққориғи қаср уза фаррух вазир,
Сокину эл амриға фармон пазир [1, 73].*

Қизиғи шундаки, бу мамлакатда ҳам ҳамма қатъий ҳаракат билан биргаликда, Яратганга ибодат қилиш, Унинг зикрини айтиш билан шуғулланарди. Буни кўрган Хожани ҳайрат узра ҳайрат қамраб олади ва у фано – ўзини йўқотиш даражасига етади:

*Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано,
Фони этиб хожани балким фано [1, 73].*

Шундан сўнг у, яъни уч марта ҳайратлангандан сўнг камолотга эришади. Энди у илоҳий асрорларнинг сирдоши, Яратганнинг халфаси даражасига кўтарилди.

Достонда Навоий салафлари ижодидаги анъанавийликни умумлаштириб, уларга ўз муносабатини билдиради. Унинг анъанавийлик ичида новаторлик яратиш маҳорати Хожа образига муносабатда ҳам яққол намоён бўлади. Жумладан, Низомий достонидаёқ Дил – Хожа сифатида қабул қилинди ва вужуд мамалакатининг подшоҳи, муаллифнинг ҳамсуҳбати, раҳнамоси сифатида талқин этилди. Амир Хусрав достонида муаллиф Дил билан суҳбатлашди, сирлашди. Бироқ у Дилнинг ёрдами билан эмас, устоз, пир қиёфасидаги Хожанинг тарбияти билан камолга эришди. Демак, Хусрав Дехлавийнинг Хожаси Дил билан бошқа-бошқа қаҳрамонлар саналиб, достонда ҳар иккисининг ўзига хос вазифаси мавжуддир.

Навоий салафлари айтиб ўтган, лекин катта эътибор қаратмаган “ҳайрат” жумласига эътибор қаратди. Навоийгача ёзилган барча достонларда ҳам қаҳрамон гўзалликдан ҳайратланади. Бироқ Навоийнинг Хожаси нафақат гўзалликдан, балки уларнинг маънавий томонидан, яъни, ҳамма мавжудот ва неъматларнинг Яратган зикрига машғул эканлигидан ҳам ҳайратланади. Бу, аввалги хирадномаларда эътибор берилмаган жиҳат бўлиб, Навоийнинг ўзига хос топилмаси саналади.

Учинчи ҳайратдаги саёҳат ҳам Навоийнинг ўз топилмаси саналиб, кўринишидан Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асари таъсирида яратилган. Бу ҳайратда Навоий кўнгилни бадан мамлакатининг подшосига, ақлни унинг вазирига беш ҳисни солиқ йиғувчига, хотира ва тахайюлни

АДАБИЁТШУНОСЛИК

хазиначонга ўхшатади. Қон томирлар ва мушакларни кўча ва маҳаллаларга қиёслайди ва бу қиёси билан Ғаззолийнинг “Кимёи саодати”ни ёдимизга туширади.

Жумладан, унинг биринчи маслаҳати фаросат (мантиқ) илмини эгаллаш ва бу илмнинг фойдаси нақд илмлардан, деб баҳолаш бўлади. Ҳайй ибн Яқзоннинг бу маслаҳати асарда ўқ чизикдай ўтган. Қиссада муаллиф мантиқ илмини ҳаёт чашмасига ҳам ўхшатиб, унинг сувидан ичган зот Баҳри муҳитда чўкмайди, жазирамада куймайди, музликларда қотмайди, дейди. Бу фикри билан Ибн Сино ўз фалсафий қарашларида мантиқни (рационал билишни) биринчи ўринга қўйишини кўрсатмоқда.

Ҳайй ибн Яқзон муаллифга ўзи билган нарсаларни ҳикоя қилиб беради. Бу ҳикояни Ибн Сино ўз ўқувчисига образли тил билан баён қилади. Жумладан, коинот жисмлари ва қаватлари мамлакатларга, иқлим, денгиз ва дарёларга, инсон руҳиятидаги ҳолатлар ҳайвон ва афсонавий жонзотларга ўхшатишган. Одам руҳиятидаги сезгилар турли лавозимдаги ходимларга қиёсланган. Қисса охирида Ҳайй ибн Яқзон барча яратилган подшоҳини таърифлаб, уни ҳеч кимга ўхшамайдиган, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ, васфини баён этишга тиллар ожиз бўлган зот, деб таърифлайди. Асар “Истасанг, менга эргаш, сени унга олиб борайин” деган жумла билан якунланади. Кўринадики, бу ерда гап Тангри ҳақида бормоқда, демак, пир муаллифни бошлаб сайр қилдирилиши, унга таълим бериши, атрофдаги нарсалар ва мавжудотларни рамзий тил билан таништириши аънанаси адабиётимизга Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” рисоласи билан кириб келган экан.

Профессор Е.Э.Бертельс тасаввуфий ҳикоятчилик тарихини Абу Ҳасан Ҳараконийдан бошлайди. Унинг “Нур ул-улум” рисоласида рамзий тил билан баён қилинган Мусо, каптар ва лочин ҳақидаги ҳикоятни шарҳлайди. Ҳараконийнинг шогирди, пири Хуросон номи билан машҳур шайх, фақиҳ ва муҳаддис олим Абдуллоҳ Ансорийдир. “Табақот ас-суфийа”, “Манозил ус-сойирин” ҳамда “Муножот” каби асарларни унга нисбат берадилар. “Манозил ус-сойирин” асарида руҳнинг тўрт манзили, унга бўлган саёҳат ҳақида сўз боради. Абдуллоҳ Ансорийнинг шогирди Ҳаким

Санойй тасаввуф адабиётининг форс тилидаги дастлабки ижодкорларидандир. Унинг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқат боғчалари”) асарининг сўфийлик адабиётининг дидактика, яъни хираднома йўналиши ривожига ўрни аҳамиятлидир. Ушбу асарда мистик “йўл”нинг биз Ибн Синода кўриб ўтганимиз каби бир қанча манзиллари рамзий-аллегорик йўналишда тасвирланган. Унда ҳам худди Ақли аввал каби пир муаллифни руҳан саёҳат қилдиради ҳамда юқорилаш ва қайтиш йўллари билан таништиради. Ҳаким Санойй бу асарда мавзуга мос кичик-кичик ҳикоятлар киритиши билан асарнинг бадиий кучини янада оширган.

Низомий Ганжавийнинг “Маҳзан ул-асрор” достони Ҳаким Саноййнинг асарига жавоб тарзида битилган бу йўналишдаги илк назмий асар саналади. Аънанаси содиқ қолган Низомий руҳнинг юқорилаш босқичларини тасвирлайди ва уларни “хилват” деб атади. Асарда иккита хилват ва иккита хилват самараси ҳақидаги боб мавжуд. Биринчи хилватда сокин ва соҳир бир тунда Хўжа шоирнинг қўлидан тутиб, йўлга бошлагани ҳақида айтилади. Биринчи хилватда у табиат гўзалликларидан сархуш бўлади, ҳайратга тушади. Биринчи хилват самарасида у фикру тафаккурга чўмади. Бу гўзалликлар унинг ақлини зое, кўнглини хомуш қилади. Иккинчи хилватда эса устоз – Хўжа бир неча улфатлари билан базм тузади. Унда шоир бир гўзални кўради ва унинг ҳусну жамолидан ҳайратга тушади. Иккинчи хилват самарасида эса унинг кўнглига ишқ жойланиши, унинг бу ишқ таъсиридаги нолаю фарёди акс этади.

Амир Хусрав Деҳлавий “Матлаъ ул-анвор” достонида хилватлар сонини учтага етказди ва унинг “самаралари”ни олиб ташлайди.

Биринчи хилватда шоирнинг танаси ерда қолиб, руҳи осмону фалакка кўтарилганлиги ҳикоя қилинади. Унда шоир Дил билан учрашади. Бу хусусда профессор М.Муҳиддинов “Комил инсон – адабиёт идеали” китобида қуйидагича шарҳлайди: “у (ўзлигини англаб етмаган руҳ – изоҳ бизники З.М.) Дил ҳузурига бориб, у билан сирлашади. Дил унга дунёвий кишанлардан ўзни қутқазиб, бандалик ибодатига астойдил берилиб, шайтон бўйинини синдиришни маслаҳат беради”. Иккинчи хилват кундуз

таърифи, табиат тасвири фонида ошиқнинг бундай ҳолатдан наво – ҳайрат туйгани ифодаланади.

Учинчи хилватда шоир Хожа – пирнинг ҳузурига боради ва ўзидаги бу ҳолатлар сирини сўрайди. Хожа шоирга руҳий кўтариллиш сирини англатади ва бу ҳолатни рўё эмас, ҳақиқатда рўй берганини таъкидлайди.

Жомий “Тухфат ул-аҳрор”да бу анаънадан шаклан чекингандай туюлади. У кўнгил таърифидан кейин уч пирнинг суҳбатини келтиради. Биринчи суҳбат – илмул яқин, иккинчиси – айнул яқин, учинчиси эса – ҳаққул яқин тўғрисида бўлади. Суҳбатларни эшитган кўнгил камолотга эришиб бораверади. Бу ўринда гарчи шаклан уруж – кўтариллиши тўғрисида сўз бормаса ҳам, маънавий жиҳатдан юксалиш борасида гап кетмоқда. Бунинг сабаби илмул яқин – юзаки билим, айнул яқин – тажриба асосида англаб билиш ва ҳаққул яқин – қалбан ҳис этиш ҳамда шак-шубҳасиз билиш эканлигини ҳисобга олсак, Жомий ҳам моҳиятан салафларига эргашганини англаб етаемиз.

“Ҳайрат ул-аброр”да саёҳатга раҳбарлик қилувчи шахс образи йўқ. Унда Хожа номи билан аталган кўнгил илоҳий даъват билан сайрга чиқади. Достонда у уч бор саёҳат қилади ва бундан беҳад ҳайратга тушиши тасвирланади. Кўнгил таърифидаги бобдан сўнг дастлабки саёҳат малак оламига бўлади. Малак оламини Навоий гўзал табиат тасвирида ифодалайди. Қизиғи шундаки, бу оламдаги ундаги беҳад гўзаллик, ҳар бир гул, ҳар бир қуш Яратганга сано айтарди:

*Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,*

*Барчаси қайюмиға зокир эди,
Ҳар бир анинг шукриға шокир эди [1,67].*

Бу ҳолатни кўрган Хожа чексиз ҳайратга тушади. Иккинчи саёҳат малакут оламига бўлади. Бу оламини Навоий осмони фалак тасвирида ифодалайди. Хожа етти сайёра ва ўн икки бурждаги турғун юлдузларни кўради:

*Мунча ғаройибғаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.*

*Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳға шухуд англади [1,73].*

Бунда ҳам ҳар бир мавжудот саждаю қиёмда эканлигини кўрган Хожанинг бир ҳайрати ўнга етади. Ҳайратдан беҳуд бўлади.

Учинчи сайр бадан шаҳристонига бўлади. Иккита устун устига қурилган бу салтанат қаттиқ тартиб асосида ҳаракатланарди. Унинг подшоси, вазири, сарбозлари, навкарлари бор эди:

*Шоҳ ани ўз мулкида дастур этиб,
Мулкини ул адл ила маъмур этиб,*

*Юққориғи қаср уза фаррух вазир,
Сокину эл амриға фармон пазир [1,77].*

Қизиғи шундаки, бу мамлакатда ҳам ҳамма Яратганга ибодат қилиш, Унинг зикрини айтиш билан шуғулланарди. Бунинг кўрган Хожани ҳайрат узра ҳайрат қамраб олади ва у фано – ўзини йўқотиш даражасига етади:

*Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано,
Фони этиб хожани балким фано[1,79].*

Шундан сўнг у Яратганнинг халфаси даражасига кўтарилди. Достонда Навоий салафлари ижодидаги анъанавийликни умумлаштириб, уларга ўз муносабатини билдиради. Унинг анъанавийлик ичида новаторлик яратиш маҳорати ушбу бобларда ҳам яққол намоён бўлади. Жумладан, ҳайратларда, худди хилватлардаги каби сафар ва саёҳат амалга оширилади. Барча сафарларда қахрамон гўзалликдан ҳайратланади. Бироқ Навоийнинг Хожаси нафақат гўзалликдан, балки уларнинг маънавий томонидан, яъни, ҳамма мавжудот ва неъматларнинг Яратган зикрига машғул эканлигидан ҳам ҳайратланади. Бу, аввалги хирадномапарда эътибор берилмаган жиҳат бўлиб, Навоийнинг ўзига хос топилмаси саналади.

Табиат тасвири барча дostonларда бўлгани ҳолда коинот тасвири, сайёра ва юлдузлар манзараси ҳам Навоийнинг ўзига хос топилмаси бўлиб, бу, унинг Самарқанддаги Улуғбек мактабида олган аъло даражадаги астрологик билими таъсирида юзага келган, десак янглишмаймиз.

Учинчи ҳайратдаги саёҳат ҳам Навоийнинг ўз топилмаси саналиб, кўринишидан Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асари таъсирида яратилган.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Аҳамиятли ўзгаришлардан яна бири Хожанинг ҳайратлар натижасида кетишидир. Бу ҳам улуғ шоир ижодининг ўзига хослиги ифодаси бўлиб, бошқа хирадномаларда ҳайратлар натижасига бу даражада эътибор қаратилмаган. Натижа Навоийнинг “Қандай асосга кўра Одам Ато яратилганданоқ Яратганинг халфаси даражасига етди?”,

деган шахсий мулоҳазасига жавоб тарзида вужудга келган бўлса керак. Муҳими, Навоий дostonда инсон кўнглини Хожа – соҳиб, деб эъзозлайди ва уни Яратганинг халфаси (ўринбосари), деб улуғлайди. Бу, айна пайтда инсонни улуғлаш ва эъзозлаш бўлиб, улуғ гуманистнинг асосий ижодий тамойилларидан саналади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ 7-том. –Т., Фан, 1991.
2. Ибн Сино Абу Али. Саломон ва Ибсол. – Т., Адабиёт ва санъат, 1980.
3. Ганжавий Низомий. Маҳзан ул-асрор. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т., Kamalak, 2016.
4. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. –Т., Маънавият, 2005.
5. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. –Т., Адолат, 2005.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).